HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil
12-aprel
CHORSHANBA
№ 26 (13585)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod

Бефарқ эмасман




## ЭЛНИНГ ОВОЗИ – МАҚСАДЛАР ПАРВОЗИ

**Янги таҳрирдаги Конституциямиз 65 фоизга янгиланмоқда. Унда кўплаб янги норма ва тартиблар ўз аксини топмоқда. Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳасининг 30-моддасида ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши, шунингдек, ҳеч ким айни бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.**

2

## МУЛОҚОТ, МУРОЖААТ, ЕЧИМ

Сайёр қабул



**Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида аҳоли, тадбиркорлар ва экспортёрлар билан навбатдаги сайёр қабул ташкил этилди.**

Унда аҳолининг турли мазмундаги мурожаатлари тингланди. Айримларига шу ернинг ўзида ечим топилди, аксарияти ўрганиш учун масъулларга вазифа қилиб белгиланди.

Шунингдек, сектор раҳбарлари тегишли ташкилотлар мутасаддилари билан биргаликда тадбиркорлар томонидан таклиф этилган турли лойиҳаларни амалга ошириш борасида мулоқот қилинди. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида берилган таклифлар кўриб чиқилди.




## Зангиота томонларда...

## Кун тасвири

2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **ВИЛОЯТ ҳудудидаги** объектларни қуриш



ва реконструкция қилиш каби қатор тадбирлар учун маблағ ажратилди.

**ТОШКЕНТ туманидаги** умумтаълим мактабларининг битирувчилари пойтахтдаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида бўлиб ўтган “Таълим ва касб – 2023” кўргазмасида қатнашдилар.



Кўргазмада дунёнинг 60 дан ортиқ халқаро компаниялари ҳамда олий ўқув юртлари ўз иш ўринлари ҳамда олий таълимга тавсиялари билан иштирок этдилар.

**ЧИРЧИҚ шаҳар** ҳокими Даврон Ҳидоятов аҳоли билан сайёр қабул ўтказди.



Очиқ мулоқот тарзида ўтган қабулда аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим изланди. Мурожаат ва таклифлар бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.

**БЎСТОНЛИҚ туманида** “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.



Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда улар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида ўтказилган беллашув ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**ЯНГИЙЎЛ шаҳрида** “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”да турган, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ҳамда ўзини ўзи банд қилиш истагидаги 38 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди.





**ПИСКЕНТ тумани** ҳокимлиги ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши томонидан сурункали хасталикларга чалинган ва даволанишга муҳтож бир гуруҳ аёлларга бепул йўлланмалар топширилди.

Буюклар ҳақида

## ТЕМУР ва Навоий

3



## ДАСТУРХОНИМИЗНИ ТЎКИН ҚИЛАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАР

**Сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича самарали усуллар қўлланилмоқда. Улар ёрдамида эса янги имкониятлар туғилмоқда.**

Вилоятимизда бир неча йилдан бери қулупнайнинг корейсча навини етиштириш урф бўлган. Айниқса, гидропоника усулида етиштириш анча қулай ва кўп меҳнат талаб қилмайди. Яъни, қулупнайни ўтамайсиз, чопиқ қилмайсиз, маҳсулот етилганда уни эгилиб ёки тиззалаб ўтириб термайсиз. Асосийси, деярли ҳосил йўқотилмайди. Бундай "ақлли" иссиқхонанинг яна бир афзал тарафи ўғит, кимёвий модда ва сувдан самарали фойдаланиш имкони бор. "Ақлли" иссиқхоналардаги технологиялар суғориш жараёни ва микроиқлимни бошқариш имконини беради. Муҳими, харажатларни камайтириб, ҳосилни 20-40 фоизга оширади.

(Давоми 2-саҳифада)









Интилиш

## ТАБИИЙ ХОМ АШЁДАН ТАБИИЙ МАҲСУЛОТЛАР



**Республикамизда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.**

Хусусан, Қибрай туманида ўтган йилнинг октябрь ойидан фаолият юритаётган “Kanishka fur” МЧЖ сифатли ва ранг-баранг маҳсулотлари билан вилоятимиздаги турдош корхоналар орасида ўз ўрнини топиб улгурди. Корхонада табиий чармдан турли сумка, ҳамён, камар ва аксессуарлар, шунингдек, мўйнадан пўстинлар, аёллар ва эркаклар кийимлар ишлаб чиқарилади.

(Давоми 2-саҳифада)



# ЭЛНИНГ ОВОЗИ – МАҚСАДЛАР ПАРВОЗИ

Ушбу ислоҳотларнинг асосий тамал тоши, бу инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қадр-қимматини ҳимоя қилишдир. Шу боис, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалар 3 баробардан ортмоқда. Масалан, Конституцияга киритилган ўзгартиришлар барча гумон қилинувчилар ва айбланувчилар учун айбсизлик презумпциясини кафолатлайди ва шу билан уларга сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳар кимнинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи ҳам таъминланади. Янги тузатишлар, шунингдек, шахснинг айбига иқрор бўлиши унга қарши келтирилган ягона далил бўлса, айбдор деб топилиши ёки жазоланишининг олдини олиш имкониятини ҳам назарда тутади.




Маълумки, сўз ва эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш кўп миллатли Ўзбекистонда ҳам муҳим устувор йўналиш ҳисобланади. Шу боис, янгиланаётган Конституцияда Ўзбекистон қонунларига мувофиқ фаолият юритаётган барча диний ташкилотлар учун фаолият эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Шунингдек, шаффофлик ва ошкораликни ошириш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишларида кўпроқ фаолият эркинлигини таъминлашни ҳам назарда тутади.

Бундан ташқари, мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Илк марта фуқаролик жамияти институтларига таъриф берилмоқда. Бу, уларнинг мулоқотни таъминлаш ва ишончли жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жамиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлашдаги ролини оширади.

Шунингдек, муносиб таълим ва соғлиқни сақлаш, уй-жой ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқлари, меҳнат ҳуқуқлари ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ҳам назарда тутилган.

Умуман олганда, янгиланаётган Конституция «давлат – жамият – инсон» тамойилини «инсон – давлат – жамият» тамойилига ўзгартириб, инсон манфаатларини устувор деб ҳисоблаган ҳолда, аҳоли фаровонлиги учун муҳим ҳуқуқий асос ва пойдевор яратмоқда.

Шу юрт фуқароси сифатида бу ўзгаришларга бефарқ эмасман. Ва, албатта, 30 апрель куни янги Конституциямиз учун овоз бераман.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**«Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# ТАБИИЙ ХОМ АШЁДАН ТАБИИЙ МАҲСУЛОТЛАР



– Маҳсулотимизнинг тури 300 хилдан ортиқ бўлиб, фақат табиий хом ашёдан фойдаланамиз, – дейди корхона иш бошқарувчиси Адҳам Умаров. – Ишнинг асосий қисми, яъни хом ашёни саралаш, бичиш, тикишдан тортиб, тайёр маҳсулотга айлангунга қадар бўлган жараён қўл меҳнати билан амалга оширилади. Бошқа корхоналардан фарқимиз ҳам шунда. Маҳсулотларимиз дизайнини энг сўнгги русум ва замонавий услубларга таянган ҳолда ўзгартириб борамиз. Бунинг учун корхонамизда алоҳида дизайнерлар гуруҳи иш олиб боради.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур корхона аввал Тошкент шаҳри ҳудудида кичик ишлаб чиқариш шаклида фаолият юритган. Кейинчалик иш ҳажмини кенгайтириш мақсадида Қибрай туманидаги каттароқ ҳудудга кўчиб ўтди. Корхона раҳбари Алексей Маньшаевнинг бу соҳада 25 йиллик иш тажрибаси бор.

Корхонани айланар эканмиз, замонавий деворга осилган миллий услубдаги қадимий эшик эътиборимизни тортди. Ходимларнинг айтишларича, корхона раҳбари қадимий ўзбек миллий буюмларига қизиқар экан. Ҳатто, бу буюмлар учун битта хона ажратилган ва ундан тайёр маҳсулотларни фотосессия қилишда фойдаланилар экан.

Бизни ажаблантирган яна бир жиҳат – маҳсулотларнинг номи бўлди. Ҳар бир маҳсулот ноодатий номланган: "Ақлвой", "Домла", "Раис", "Олим", "Мусофир" ва ҳ.к. Иш бошқарувчи Адҳам аканинг айтишича, бу ҳам корхона раҳбарининг ташаббуси бўлиб, маҳсулотларнинг шаклига қараб танланган.

Дарвоқе, корхонада ортиб қолган хом ашёнинг бирор бўлаги ҳам чиқитга чиқмайди. Улардан турли брилок, билакузук ва юмшоқ ўйинчоқлар тикилади.

Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 100 нафардан ортиқ ишчилар учун барча шароитлар яратилган.

Корхонанинг Тошкент шаҳрида махсус дўконлари ҳам бор, шунингдек, тайёр маҳсулотнинг бир қисми Россия давлатига экспорт қилинади.

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

# ДАСТУРХОНИМИЗНИ ТЎКИН ҚИЛАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАР



Зангиота туманининг "Навбаҳор" маҳалласида "Berry land" масъулияти чекланган жамияти томонидан ана шундай иссиқхона барпо қилинди.

– Иссиқхонамиз Кореянинг 5-авлод технологиялари асосида бунёд этилди, – дейди корхона раҳбари Артём Холваши. – Барча жараён автоматлаштирилган: ҳарорат, суғориш ва дорилаш тизими рақамлаштирилган. Ташқарида ҳаво исиб кетса иссиқхона томи махсус қоплама билан ёпилади ва ҳарорат салқинланади. Ҳаттоки, чанглатиш учун фойдаланиладиган арилар ҳам дастурлаштирилган. Ариларни Анталиядан махсус келтирганмиз. Эндиликда иссиқхонанинг пастки қаторига ҳам қулупнай экиш учун жой тайёрлаяпмиз. Ёруғлик ва қуёш нури кучини бериш учун эса махсус чироқлар буюртма қилдик.

Иссиқхонанинг 50 сотих майдонига қулупнай экилган бўлиб, кунига 300 килограммдан, айни кунгача 10 тоннага яқин ҳосил олинибди. Мавсум охиригача эса 15 тонна қулупнай териш режалаштирилган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Эътиборимизни қурилиш бўлаётган майдон тортди. Қизиқсак, у ер голубика экиш учун тайёрланаётган экан. Иқлимимизга мос кўчатлар эса Финляндия ва Америкадан келтирилмоқда.

– Ишни бошлашдан аввал барчаси ҳисоб-китоб қилинган, – дея давом этди Артём Холваши. – Қулупнайни торфга экканмиз, ундан 3 йил фойдаланишимиз мумкин. Кейин қулупнай учун яроқсиз бўлиб қолган торфда қўзиқорин етиштиришни ўйлаб қўйдик.

Жамиятнинг махсус лабораторияси ҳам бўлиб, у ерда сифатли кўчатлар тайёрланади. Барча агротехник тадбирлар кореялик агроном мутахассислар томонидан олиб борилади. Шунингдек, иссиқхонани электр токи билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 30 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилган.

* * *

Туманнинг "Балиқчи" маҳалласида фаолият юритаётган "Абдужаббор. Фотима мурувват" фермер хўжалигига қарашли иссиқхонада помидор, бодринг, бақлажон етиштирилади.

Айни пайтда хўжаликнинг иккита катта иссиқхонаси бўлиб, том қисмига махсус мослама ўрнатилган. Қаҳҳор ака уни иссиқхонанинг "кўрпаси" дейди. Яъни, бу мослама иссиқхонани қишда иссиқ, ёзда салқин сақлаш имконини беради. Томчилатиб суғоришнинг йўлга қўйилгани эса экинларга сув бериш ва дорилашда қўл келмоқда.

10 гектар ҳудудни эгаллаган хўжаликка кираверишда қурилиш бўляпти.

– Бу ерда гидропоника усулидаги яна бир замонавий иссиқхона қуряпмиз, – дейди хўжалик раҳбари Қаҳҳор Исмоилов. – Бу қишин-ёзин узлуксиз маҳсулот етиштиришда қўл келади. Фермер хўжалигимизни кўп тармоқли қилиш мақсадида товуқхона ҳам ташкил этганмиз. Боқилаётган 100 мингта жўжа етилгач, истеъмолчиларга жўнатилади ва ўрни яна ёш жўжалар билан тўлдирилади.

Иссиқхонада 150 нафар ишчи меҳнат қилиб, рўзғорини тебратмоқда. Қаҳҳор ака уларга ҳақ тўлашда ўзига хос усулни қўлларкан. Яъни, иссиқхонадаги ерлар ишчиларга тақсимлаб берилган бўлиб, маҳсулотдан келган фойданинг бир қисми ўзларида қоларкан. Бу – қанча яхши ишласанг, шунча кўп даромад топасан, дегани.

Дарвоқе, ҳар мавсум ички бозордан ортган маҳсулотнинг 300-400 тоннаси Россия давлатига жўнатилади. Фермернинг келгуси режалари катта: хўжаликда балиқчиликни ҳам йўлга қўйиш ниятида. Бундан ташқари, яна ер олиб, ишлаб чиқариш йўналишида ҳам фаолият бошламоқчи.

**Нозима АРСЛОНОВА**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси миллий ва халқаро журналистиканинг энг илғор ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, юртимизда инсонга эътиборни кучайтириш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида**

**"ОЛТИН ҚАЛАМ" XVII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН**

**халқаро танловни эълон қилади.**




Танлов битта бош миллий мукофот ва бешта асосий йўналиш – телевидение, радио, босма нашрлар, интернет-журналистика бўйича (ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринлар) ва чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали бўйича (босма нашрлар, ТВ, интернет – битта биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин) ўтказилади.

Шунингдек, қуйидаги рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ташкил этилади.

1. "Инсонга эътибор мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун"
2. "Таълим тизимидаги ислоҳотлар энг яхши ёритилган материаллар учун"
3. "Оила ва маҳалла мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун"
4. "Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун"
5. "Миллий қадриятлар энг яхши ёритилган материаллар учун"
6. "Соғлом турмуш тарзи ва спорт мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун"
7. "Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар энг яхши ёритилган материаллар учун"
8. "Бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари энг яхши ёритилган материаллар учун"
9. "Энг фаол теле ва радио бошловчи"
10. "2022 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун"

11 "Энг яхши фоторепортаж учун"

12. "Экологик муаммолар кенг ёритилган материаллар учун"

**Танлов ғолиб ва совриндорларига:**

Танлов бош миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва енгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан;

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдорида пул мукофоти билан;

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдорида пул мукофоти билан;

Танлов рағбатлантирувчи номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловда 2022 йилнинг 31 мартидан 2023 йилнинг 31 мартигача босма ва интернет нашрларда эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллар кўриб чиқилади.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 15 апрелига қадар қабул қилинади.

Бу жараёнда материаллар матбуот бўйича (PDF-файлда, ҳар бир материал алоҳида-алоҳида);

интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳаволаси (линк, ссилкаси) кўрсатилган ҳолда;

телевидение бўйича видео материаллар (3 дақиқадан 30 дақиқагача телеграм форматда ( аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан);

радио йўналиш бўйича аудио материаллар (3 дақиқадан 30 дақиқагача, аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан);

фотожурналистика номинацияси бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан);

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг (99-466-10-25) рақамига очилган (O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi) телеграмига юборилиши сўралади.

Танловда таҳририят, теле ёки радиоканал ҳамда ижодий жамоалар ҳам жамоавий қатнашиши мумкин. Мазкур жараёнда ҳам юқоридаги тартибларга қатъий амал қилинади.

"2022 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун" номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дона тақдим этади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка);

муаллифнинг паспорт нусхаси, телефон рақами.

**Мурожаат учун телефонлар:**

71-244-62-89, 71-244-64-62.

# ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА ЭСИНГ КЕТАР...



Жараён

**Тошкент вилоятида мавжуд авария ҳолатидаги ва маънан эскирган кўп квартирали уйлар бузилади. Бу бўйича ҳужжат лойиҳаси Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган.**

Келтирилишича, вилоятда эскирган ёки яроқсиз кўп квартирали уй-жой фонди хатловдан ўтказилган ҳамда инструментал ўрганишлар натижасига кўра 23 та уй (366 та хонадон) авария ҳолатида деб топилганлиги сабабли реновация дастури амалга оширилади.

Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай туманларидаги 1 минг 800 дан ортиқ эскирган уй-жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг бузилган хонадони майдонига тенг ёки ундан кам бўлмаган квадрат метрдаги хонадон ўрнига ўрин ажратилади.

11 ой муддатда мулкдорларга уй топширилгунга қадар уларга кўп квартирали уй-жой жойлашган туман-шаҳар ҳокимиятининг маҳаллий бюджет қўшимча манбалари ёки ташаббускор тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш шарти билан вақтинчалик ижарага тураржой берилади.

Қурилиш ишлари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаган тақдирда ижара лойиҳа ташаббускори маблағи ҳисобидан қопланади.

Мулкдорларга ўринга ўрин ажратишдан ортган квартиралар Президентнинг "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида белгиланган тартибда реализация қилинади.

Буюклар ҳақида

# ТЕМУР ва Навоий

(Бадиа)





### 6. АНЪАНАНИНГ БОШИ

Темурий шоҳу шаҳзодаларнинг тасаввуф пирларига мурид тушиши айнан Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзидан бошланган. Темурийлар ҳамиша тасаввуф пиру муршидлари руҳидан мадад олиб, ўзларини шайхлар шарофати билан шундай юксак мартабаларга эришган ҳисоблаб келган. Тасаввуф темурийлар учун маънавий паноҳ бўлган.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат ва шамойим ул-футувват" тазкирасида Амир Темурнинг икки шайх билан муносабатини ҳикоя қилади.

Соҳибқирон Фарғонада Хожа Боязид деган шайх ҳузурига боради. Хўш, Хожа Боязид ким эди? Хожа Аҳмад Яссавийнинг жияни, муҳими – Иброҳим Ота деган укаси бўлган. Унинг ўғли Исмоил Ота эди. Исмоил Ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг "назар қилган муриди" эди. Хожа Боязид – ана шу Исмоил Отанинг авлоди.

Амир Темур шайх олдига бораётганда кўнглидан бир гап ўткарди: "Бу эрнинг (шайхнинг) маъно оламидан (тасаввуфдан) хабари бўлса, бизга иссиқ ҳалво тортқай". Шайх чинакам пир эди. Соҳибқирон кўнглида кечган фикр ғойибона унга аён бўлди. Буюк шоҳ билан кўришганидан кейин: "Аввалуҳо – салом, авсатуҳо – таом, охируҳо – калом", – деб, дастурхонга иссиқ ҳолва тортди.

Шунда Амир Темур Хожа Боязиднинг шайхлик даражасига тан бериб, унга мурид тушди, катта вақфлар ажратди.

Хожа Боязиднинг қабри Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги Мазор қишлоғида.

Демак, Соҳибқироннинг Аҳмад Яссавий руҳига юксак муносабати ҳам беасос эмас. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавий қабрига ҳашаматли мақбара қурдирди. Қабр тошини Ҳиндистондан олдиртирди. Чунки яшил мармар бошқа ерда кам бўлади (Бу ҳақда қаранг: Ҳамидхон Исломий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: "Фан", 2005. – Б. 24). Яссавия пирларидан бўлмиш Занги Ота даҳмасига мақбара қуришга ҳам киришди. Чала қолган бу мақбарани кейинчалик невараси Мирзо Улуғбек охирига етказди.

"Насойим ул-муҳаббат..."да Амир Темурнинг яна бир тасаввуф шайхи билан муносабати қаламга олинган. Хуросоннинг Андхуд қасабасида Бобо Сунгу деган шайх яшар эди. Соҳибқирон унинг ҳузурига борди. Шайхнинг дастурхонида яхна гўшт бор экан. Бобо Сунгу "қўйнинг тўшини олиб, Темурбек сари отибдур". Навоийнинг сўзлари билан айтганда: "Темурбек ғояти ақлу закосидин дебтурки: "Хуросон Ер юзининг кўкси дебтурлар, ани Бобо бизга ҳавола қилди", – деб, бу башорат била юруб, Хуросон мулкини (мамлакатини – С. О.) олибдур".

Ҳаммасидан ҳам Амир Темурнинг ўзини бевосита сўфий ҳисоблаши, эришган муваффақиятларини айнан шундан билиши – қизиқ. Шаҳрисабзда қурдирган Оқсарой имората пештоқига у: "Кимки бизнинг validity..." 

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

### 7. НАСАБ ВА ҲАСАБ

Наслу насаб...

Яқин ўтмишимизда қовуннинг палагини текширдик, пахтанинг "авлоду аждод"ини суриштирдик, лекин одамнинг наслу насабини менсимадик. Чунки ҳаммамиз бирдай – "пролетар" бўлишимиз шарт эди. Ҳолбуки, одамзод Одам Атодан буён насл сўрайди, насаб суриштиради. Шоҳлик мақомига эгалик эса шу қадар муҳим масала эдики, шоҳнинг ўғлигина шоҳ бўла олар эди.

Алишер Навоий қаердаки Ҳусайн Бойқаро ҳақида сўз юритса, уни билвосита Темурга алоқадор таъриф, десак ҳам бўлади. Чунки уларнинг кўпида шоир замона шоҳининг насаб ва ҳасабини улуғлаб ўтишни ёддан чиқармайди. Бобокалонимизнинг бу масаладаги фикри – қатъий. "Ҳайрат ул-аброр"нинг 41-бобида айтилганидек, кондан – гавҳар, денгиздан – балиқ ичида бўладиган хушбўй анбар олинганидек, яхши отадан яхши ўғил дунёга келади; одамдан – одам, шоҳдан – шоҳ, хондан – хон туғилади, чунки

*Конға эрур гавҳари якта халаф,*
*Баҳрда ҳам анбари соро халаф.*

*Бу халаф инсонда ҳам инсон эрур,*
*Шаҳға шаҳу хонға доғи хон эрур.*

Хўш, насаб нимаю ҳасаб нима?

Насаб – одамзоднинг наслини, аждодини, уруғини, ота-бобосини билдиради. Машҳур кишилар, хусусан, ҳукмдорларнинг махсус "Насабнома"лари ҳам битилганки, уларда шахснинг кимларга авлод экани, яъни шажараси бирма-бир кўрсатиб борилган. Насаб – оврупача тасаввурдаги фамилия тушунчасининг ўзгинаси. Фамилиянинг асл маъноси – оила. Шунинг учун фамилия деган сўз ўрнига бугун насаб сўзини ҳеч иккиланмай ишлатавериш мумкин.

Ҳар бир оиланинг ўз шарафи бўлади. Ҳар бир авлод бу шарафга шараф қўша боради. Ҳасаб айни ана шу – муайян киши ота-боболарининг шон-шуҳрати, обрўйи, доврўғи деган маънода ишлатилади. Улуғ насабли кишилар ҳасабда ҳам ота-боболари шарафига муносиб бўлишга интилар эдилар. Навоий "Мажолис ун-нафоис"да хонлар авлодидан бўлмиш Дарвешбек ҳақида: "Ҳасаби жонибидин ҳам насабча шараф бор эди", – дея таъриф берадики, бу ҳам – насаб ва ҳасаб кўпинча ёнма-ён қўлланишига бир мисол.

Ҳусайн Бойқаро Мирзо насаб жиҳатидан, "Бобурнома"да таърифланганидек, карим ут-тарафайн эди. Бу ота тарафидан ҳам, она тарафидан ҳам шоҳликка чин даъвогар, яъни Амир Темурга бевосита авлод эди, дегани. Ота тарафидан у Амир Темурнинг ўғли – Умаршайхнинг эвараси эди. Отаси Мансур ва бобоси Бойқаро подшоҳлик қилмаган эди. Она тарафдан ҳам у Амир Темурга эвара бўларди. Онаси Амир Темурнинг бошқа ўғли – Мироншоҳнинг қизи Фирузабегим эди.

Шунинг учун ҳам Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг бевосита Ҳусайн Мирзо ижоди таърифига бағишланган саккизинчи мажлиси даромадида шундай ёзади: "Бу Хусрави гардунжоҳниким, насаби бобида хома сурсам, юз минг хону ҳоқонни бу жузви мухтасарда йиғиштурса бўлурми?! Ва бу доройи анжумансипоҳниким, ҳасаби шарҳида қалам урсам, юз туман ҳоқону қооннинг ҳамида ахлоқича сўзни бу муҳаққар ва авроққа йиғиштурса бўлурми?! Насаби бобида фасоҳатшиор яхшилар "Насабнома" битибдурларким, ҳар саҳфаси моний коргоҳин хижил этар ва ҳасаби шарҳида балоғатдисор муншийлар таърихе тартиб берубдирларким, ҳар варақи Чин нигористонин мутфайил айлар..."

Тарих тарих бўлиб, темурийларни Навоийчалик мадҳ этган зот чиққан эмас. Буюк Амир Темурнинг насаби ва ҳасаби шоир учун темурийзодаларни адолатпешалик сари чорлаб туриш учун улуғ бир восита эди. Бинобарин, «Мажолис ун-нафоис»нинг темурий мирзолар ижоди таҳлилига бағишланган еттинчи мажлиси якунида бир шеър келади:

*То Темуру Шоҳрух деган бўлғай от,*
*Андин сўнгги шаҳлар бори фархунда сифот.*

*Эй давлату иқболға оростаи зот,*
*Мажмуъча бўлсун санга даврони ҳаёт.*

Темурий мирзоларнинг айнан етти отаси хон келгани, Навоий наздида, улар елкасига айрича бир юк юклар, мақол уларни ана шу улуғ насабу ҳасабга мос иш юритишга мажбур қилар эди. "Ҳайрат ул-аброр"нинг Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон мадҳида келган 16-бобидаги мана бу таърифларда ҳам шоирнинг шундай илинжи йўқ эмас:

*Қасри ети гумбази гардон келиб,*
*Етти атосиға дегин хон келиб.*

*Хон келибон ҳам ато, ҳам от анга,*
*Фақр оти бирла мубоҳот анга.*

*Турку мўғул қуллари хонлар анинг,*
*Мулк диҳи, мулкситонлар анинг.*

*Қуллуғи хонларға келиб фарзи айн,*
*Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн.*

Зоти шарифини эслатиб туриш шоирга фақат Ҳусайн Бойқаро эмас, унинг ўғилларини ҳам эзгуликлар сари йўллаш учун ҳам керак.

Алишер Навоий замонида темурий ҳукмдорлар мадҳида уларнинг ота-боболари таърифини келтириш маҳоратига алоҳида эътибор билан қаралар эди. Буни шоирнинг Паҳлавон Муҳаммад ҳақида айтган мана бу сўзлари ҳам исботлайди: "...Розгўйида бу икки байтни боғлаб эрди ва асоф оламида бу икки байтдек оз айтибдурки, мамдуҳнинг (таърифланаётан кишининг, бу ерда Ҳусайн Бойқаронинг – С. О.) бешинчи отасиға зикр бўлмиш бўлғайким:

*Султон Ҳусайни Хусрави ғозий, ки мисли ўр,*
*Ҳаргиз набуда садафи рўзгор дур.*

*Шоҳ аст шаҳриёр падар ва падар, ки ҳаст*
*Мансур Бойқарои Умаршайхи бин Темур".*

Ҳусайн Бойқаро Мирзо – шажарада Темурга бешинчи авлод. Бу ерда Паҳлавон Муҳаммад Ҳусайн Бойқаронинг ўзидан олдинги тўрт отасини, яъни отаси (Мансур), бобоси (Бойқаро), бобосининг отаси (Умаршайх) ва бобосининг бобоси (Темур) номларини ҳам қўшуб мадҳ эта олгани таърифланяпти.

Хуллас, темурийзодаларга улуғ боболари – Амир Темурни бот-бот эслатиб туриш салтанат ва миллатнинг маънавий пири – Навоийнинг бурчи янглиғ бўлиб қолган эди.

*(Давоми бор)*

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

# СПОРТ янгиликлари

**Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида дзюдо бўйича Осиё Кубогининг кадетлар ўртасидаги беллашувлари якунига етди.**



## Дзюдочилардан 25 медаль

Almaty Asian Cadet Cup 2023 турнирининг охирги куни баҳсларида оғир вазн тоифаси вакиллари медаллар учун кураш олиб боришди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи куни беллашувларда 1 та олтин, 1 та кумуш ҳамда 7 та бронза медалига эга чиқди. Шундай қилиб, икки кунлик баҳслар якунига кўра кадетларимиз 5 та олтин, 6 та кумуш, 14 та бронза медали билан Осиё Кубогидаги иштирокларини умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда якунлашди.

## Омадли старт



**Қозоғистоннинг Астана шаҳрида спорт курашлари бўйича Осиё чемпионати старт олди. Унда дунёнинг кучли полвонлари қаторида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Дастлабки куни баҳсларда вакилларимиз 1 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалига сазовор бўлди.**

Хусусан, -67 кг. вазн тоифасида барча рақибларни мағлуб этган Аброр Атабоев олтин медални қўлга киритди. У финалда япониялик Кётаро Собагега ҳеч қандай имконият қолдирмади. Бу 21 ёшли курашчимизнинг катталар ўртасидаги қитъа чемпионатида эришган биринчи катта ютуғи.

-63 кг. вазн тоифасида финалга етиб келган Шермуҳаммад Шарибжонов эса эронлик Имрон Муҳаммадига кичик фарқ билан имкониятни бой бериб, кумуш медалга эга чиқди.

Шунингдек, Ихтиёр Ботиров (-55 кг.) ҳамда Жалгасбай Бердимуратов (-87 кг.) бронза медали учун кечган баҳсни муваффақиятли якунлаб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди.



## ОКМКда ғалаба, "Металлург"да дуранг...

**Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 5-тур учрашувлари якунига етди. Турнинг марказий учрашувида Олмалиқнинг ОКМК клуби Тошкентда Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасига қарши баҳс олиб борди. Қизғин курашларга бой ўтган учрашувда "Кончилар" 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.**

Олмалиқ клуби сафида голларга Шаҳбоз Жўрабеков (автогол) ва Рубен Санчес муаллифлик қилишди. Рақибларнинг ягона голини Жамшид Искандеров пенальтидан киритди.

Шу тариқа, ОКМК очколари сонини 10 тага етказиб, жадвалда 3-ўринга чиқиб олди. "Навбаҳор" эса 9 очко билан 4-поғонани банд этиб турибди.

Шунингдек, ушбу тур доирасида Бекободнинг "Металлург" жамоаси Жиззахда "Суғдиёна" меҳмони бўлди. Ўйин 2:2 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Мазкур натижадан сўнг бекободликлар 4 очко билан турнир жадвалининг 10-поғонасида туришибди.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**

# Эгизак гаплар ёки шамол тегмаган ҲАНГОМА




(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Рост ва ёлғон ўртасидаги аёвсиз жанглар, баҳслар ҳали барҳам топгани йўқ, ҳеч қачон тўхтамаса ҳам керак. Биз биламизки, ғолиблик шоҳсупасида РОСТ ҳамиша ғолиб бўлиб, мағрур туради. Унинг тақдирига ғолиблик муҳри абадий босилган. Юсуф Хос Ҳожиб ёзганидек: "Қайси бир тўғри нарса оғадиган бўлса, рост турмайди, йиқилади. Ҳар бир тўғри нарса йиқилмайди. Рост туради".

Ҳар қанча чиранмасин, доврўқ солмасин, бақир-чақир қилмасин ЁЛҒОНнинг умри ҳам, қадами ҳам қисқа. Ёлғон пуфлаб шиширилган шарга ўхшайди. Арзимаган ҳаракат билан ёрилиб кетади. Лекин ёлғоннинг даври-даврони келиб, бозори чаққон бўлган кезларда хушомадлар авж олади, чапдаст лаганбардорларнинг савдоси юришиб кетади. Порахўрларнинг иштаҳаси карнай бўлади: ҳўлу қуруқни, тошу кесакни, еру сувни бирдай ютади, ютаверади, ютиб-ютиб тўймайди. Кейин уларни охир-оқибат ер ютади. Очкўзнинг кўзлари тупроққа тўлиб, нафслари мангу ором олади.

Ёлғон ва ёлғончилар эришадиган "ғалабалар"нинг манзили унча узоқ эмас. Улар берган ваъдаларнинг мағзи йўқ, бари пуч. Белгилаган вазифалари кўпик билан битилган. Шиорлари қорга ёзилган. Биз ёлғоннинг фожиаларини, ёлғон ёғдирган кулфатларни ва ёлғон жамият қандай оғир оқибатларга олиб келишини собиқ шўро даврида кўрдик-ку!..

Кичик-кичик қуртдай-қуртдай ёлғон гаплар бор. Ачитиб чақадиган бит ва бурга ёлғон гаплар бор. Заҳри заҳардан ўткир чаён ёлғонлар бор, чақса, гумдон қилади. Муштдай-муштдай, ғиштдай-ғиштдай ёлғон гаплар бор. Дарёдай пишқириб оқадиган, ҳатто, қирғоқларни ўпириб кетадиган ёлғон гапларга нима дейсиз? Энди катта-катта, улкан-улкан ёлғон гапларнинг маҳалласига ўтмай қўя қолайлик. Одамлар ҳам уларнинг савлатидан ҳайиқадилар, сесканадилар...

* * *

Афсус-надоматлар билан бир қур ўйлаб кўрайлик, аслида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби миллатнинг улуғ зотларини қатағон дорига рўбарў қилган ҳам ёлғон, ҳасад, туҳмат гап эмасму? Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шайхзода, Миркарим Осим каби заҳматкаш ижодкорлар ҳам чақувдан иборат ёлғон гапнинг қурбонига айланмадиларми? Бизга замондош бўлган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон сингари устозлар номлари сотқинлик, кўролмаслик, ҳасадгўйлик гаплари билан суғорилган сафсата ва чақув гаплар туфайли "қора рўйхатлар"дан ўрин олмадими? Бу қаттол рўйхатлар уларнинг умрларига зомин бўлмадими, ҳаёти ва ижодини кемирмадими?

Қаранг, ғалати ҳолат: гап ҳақиқий адабиётни яратишга, уни юксалтиришга хизмат қилади. Адабиётнинг асил мағзи рост гап. Лекин ёлғон, туҳмат гап адабиётни емириши, ижодкорни бадном қилиши етмаганидек, уни ҳатто қатағонгача олиб боради. Бу рост ва ёлғон гапнинг минг-минг йиллик аёвсиз курашларининг ҳосили эмасму? Қачон тугайди бу қирғинбарот жанг? Унинг поёни, чеку чегараси борми?

Шу ўринда буюк адиб Абдулла Қаҳҳорнинг рост ва ёлғон гап ҳақида айтган фикрларига қулоқ тутайлик: "Ҳар бир мансабдор ўзидан юқорига рост гапни айтмайди". Ёки "Ёлғончи бир марта рост гапирай деганда, тилдан қолган экан".

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

*(Давоми бор)*

Янги шеърлар

# Эзгулик фидолик билан тирикдир




### ҲАҚДАН СЎРАЙМАН

Тиниқ туйғуларнинг тароватида,
Шукронам шаклининг ибодатида,
Каломи Қуръоннинг тиловатида,
Юртим тинчлигини Ҳақдан сўрайман.

Набирам бахтига бешик очсин деб,
Авлодлар аҳдига эшик очсин деб,
Аллоҳим, ўзининг нурин сочсин деб,
Юртим тинчлигини Ҳақдан сўрайман.

Улуғ аждодларнинг руҳи ёр бўлсин,
Элнинг азизлиги барқарор бўлсин,
Парвардигор ўзи мададкор бўлсин,
Юртим тинчлигини Ҳақдан сўрайман.

Оналар юзидан офтоб тушмасин,
Болалар қўлидан китоб тушмасин,
Ўғлонлар дилидан шитоб тушмасин,
Юртим тинчлигини Ҳақдан сўрайман.

Сиз ҳам қўлингизни очинг, юртдошим,
Кафтимга томяпти жиқ-жиқ кўз ёшим,
Ёлғиз Аллоҳ учун эгилган бошим,
Юртим тинчлигини Ҳақдан сўрайман!

### ЯХШИ СЎЗ

Гўзаллик қувончнинг қўшиғи эрур,
Кимни соғинтирмас, айтинг, гул фасли?
Эзгулик юракни сув қилган сурур,
Яхши сўз инсоннинг қаноти асли.

Ота ризосидан ортиқ дуо йўқ,
Она ўкинчидан зиёд жазо йўқ.
Меҳрингга нур сочсин кўксингдаги чўғ,
Яхши сўз инсоннинг қаноти асли.

Бир сўз билан обрўнг қаро ер бўлар,
Аламинг ичингдан оққан тер бўлар,
Вале бир сўз билан ожиз шер бўлар,
Яхши сўз инсоннинг қаноти асли.

Кўп сўз кулга ўхшар, шамол совургай,
Инсон иззатини ўзи қовургай,
Ҳеч кимга хуш ёқмас мисли довулдай,
Яхши сўз инсоннинг қаноти асли.

Тилагингдан доим бол томиб турсин,
Эҳтиром изингдан ғубор супурсин,
Қўй ўша қўполни, уни жин урсин,
Яхши сўз инсоннинг қаноти асли.

### ШАРАФ

Умримиз қисқадир, барчага аён,
Аммо шараф йўли поёнсиз билсанг.
Сен буни сезасан, бир зумда, шу он,
Навоий номини агар ёд қилсанг.

Бу боқий сўз эрур, шеърнинг шарафи,
Ахтарган ҳар инсон сўзин топмишдир.
Унда нур сочади инсон матлаби,
Ўқиб уқиганлар ўзин топмишдир.

Қисқа умримизнинг бор бўлсин нафи,
Эзгулик сиз-бизга эргашиб юрсин!
То ҳаёт бор экан Ўзбек шарафи,
Дунё тургунича абадий турсин!

### ХАЛҚҚА ЭРГАШУР

Кўкка ярашгайдур қушнинг парвози,
Яхшилик яйратса кўзлар қамашур.
Ишонч овози бу – инсон дил рози,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

Дарё йўқ кўнгилдек чиройли оққан,
Ҳам яна меҳрдан уммондек қалққан,
Ҳақиқат доимо халққа хуш ёққан,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

Аллоҳ ато этган адолат қалов,
Офтобнинг кўксида абадий олов,
Унутма, эл тутган одиллик ялов,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

Шайтон ҳам сафдадир ёлғонин сочиб,
Қуён қачон кўпдан кетолган қочиб,
Аввал Ватан кўрсанг, қалб кўзинг очиб,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

Тинчлик тиловатдек ором жаранги,
Омонлик тилаган салом жаранги,
Эл рози – хуш ёқар калом жаранги,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

Миллатлар миллатдан яралар билсанг,
Фарзандсан, ўз халқинг шукрини қилсанг,
Маҳмуд тилагини қулоққа илсанг,
Оқиллар ҳамиша халққа эргашур.

### ФИДОЛИК

Чироқ чашмасининг мироби асли,
Ёниб кул бўлгувчи жонбахш пиликдир.
Кўнгилда юз очар фалсафа фасли,
Эзгулик фидолик билан тирикдир.

Раҳмат ёмғирини осмон элайди,
Бахтини бешикка она белайди.
Ким ундек Ватаннинг умрин тилайди,
Эзгулик фидолик билан тирикдир.

Ҳақиқат Худонинг ҳукмидек гўзал,
Дунёда не топдинг жонингдан афзал?
Сен ақл ахтарсанг инсон муфассал,
Эзгулик фидолик билан тирикдир.

Олтиннинг меваси – олтин қозиқлар,
Меҳринг шарбатидан кимдир озиқлар,
Тақдир – пешонангга тушган чизиқлар,
Эзгулик фидолик билан тирикдир.

Фидолик инсоннинг машаққат йўли,
Қадоқлар қаритган дуогўй қўли,
Юракда юз очар илдизин гули,
Эзгулик фидолик билан тирикдир!

### УМИД УМРИ

Ошиқларнинг овози ўктам,
Бахт ҳақида баёт бор экан.
Муҳаббатга соҳиблар кўркам,
Соғинганда сабот бор экан.

Севиб яша, севилиб яша,
Қучоғингга қумрини берсин.
Бахтинг келсин қўша ва қўша,
Умидингни умрини берсин.

### ҲАЁТ БОҒИ

Йўлларинг чоҳи бу – кўнгилнинг чоҳи,
Доим оппоқ турмас этнинг тирноғи.
Аслида айтарим боболар оҳи,
Абадий гулламас бу ҳаёт боғи.

Шудгор шамолида қораяр юзлар,
Тупроқнинг қаъридан аримас тузлар,
Лекин янграйверар ваъдалар, сўзлар,
Абадий гулламас бу ҳаёт боғи.

Ер тилин билгани таржимон керак,
Майли кўкдан тушсин, у омон керак,
Менинг кўнглимга ҳам бир боғбон керак,
Абадий гулламас бу ҳаёт боғи.

Қадим боғбонларнинг қақшайди руҳи,
Бу ернинг уҳими, руҳларнинг уҳи,
Яшнаган ҳар ниҳол замин шукуҳи,
Абадий гулламас бу ҳаёт боғи.

Эй менинг шеърхоним, кўнглинг бўлсин тўқ,
Шикоят қилгани шеър ёзганим йўқ,
Бу асли кўксимни куйдиргувчи чўғ,
Абадий гулламас бу ҳаёт боғи.

### АҚЛ ЖАНГИ

Билсанг тонгда олам бокира,
Хуш тилак бор шабнам рангида.
Жасурман деб керилма сира,
Чароғбон бўл ақл жангида.

Қаддинг бўлса жисминг тутгайдир,
Қадринг бўлса исминг тутгайдир,
Ҳар бир жангда кимдир ютгайдир,
Чароғбон бўл ақл жангида.

Қуролсиз жанг – қувватсиз одам,
Тик боқолмас, журъатсиз одам,
Доим мағлуб ҳурматсиз одам,
Чароғбон бўл ақл жангида.

Сахийларни гадо хушлайди,
Эл мардини дуо хушлайди,
Ғолибларни Худо хушлайди,
Чароғбон бўл ақл жангида.

### ОРЗУ

Кўнгил кўзи юзда кўринур,
Кўнгил ўзи сўзда кўринур,
Гар ўзингга Худо нур берса,
Юрар бўлсанг, изда кўринур.

Кўрганларинг кўзники бўлса,
Билганларинг сўзники бўлса,
Изингдаги оппоқ ибратинг,
Оқил ўғил-қизники бўлса.

Сўзларингга дуо ярашса,
Изларингда шайтон адашса,
Бунча пиру бадавлат, дея,
Меҳр билан сенга қарашса.

Фарзандларинг камоллик бўлса,
Одоби гул – жамоллик бўлса,
Меҳнатидан муродин топган,
Касбу корлик, аъмоллик бўлса.

Оқилларнинг барини тутса,
Гўзалликнинг зарини тутса.
Дарёдайин бўлса диллари,
Кин, ғаразни буткул унутса.

Менинг гўзал бу орзуларим,
Тонгдек тиниқ хуш туйғуларим,
Ўзганинг ҳам дилин ёритсин,
Юрак ёққан шу ёғдуларим.

Менга жўрлар омин десинлар,
Тилагида новвот есинлар.
Теграсида абадул-абад,
Шукронасин ели эссинлар.

### ДИЛ ТУҒЁНИ

Боғлар ҳимматини дариғ тутмаса,
Тоғлар сийратини дариғ тутмаса,
Инсон ҳайратини дариғ тутмаса,
Гўзаллик бизлардан йироқ кетмасди.

Инсоф – инсон учун кўзгу бўлолса,
Муҳаббат покиза туйғу бўлолса,
Гуноҳ – кечирилмас қайғу бўлолса,
Гўзаллик бизлардан йироқ кетмасди.

Тулпор туёғида тош йиғламаса,
Бегуноҳ кўзларда ёш йиғламаса,
Насиба узилиб ош йиғламаса,
Гўзаллик бизлардан йироқ кетмасди.

Меҳр зам-замидан ичиблар юрсак,
Қаҳр кечмишидан кечиблар юрсак,
Раҳмондан, Раҳимдан чўчиблар юрсак,
Гўзаллик бизлардан йироқ кетмасди.

Дунёда нима бор инсондан гўзал,
Инсонга берилган иймондан гўзал.
Биз буни билолсак агар муфассал,
Гўзаллик бизлардан йироқ кетмасди.

### ЎРГАН

Қулоққамас кўзингга ишон,
Бировгамас ўзингга ишон,
Кимдир сенга юз йил сўйласа,
Дилинг айтган сўзингга ишон.

Офтоб сендан узоқда эмас,
Кўнглинг сени тузоқда эмас,
Гар ўзингдан ортиб юролсанг,
Меҳр сендан фироқда эмас.

Тўкилдингми, тўлишни ўрган,
Йиғлаб туриб, кулишни ўрган,
Бойликларинг боқий кўринса,
Ўлмай туриб, ўлишни ўрган.

### АҚЛ УВОҒИ

Баҳорнинг жамоли музни эритар,
Майса тошни ёрса кўклам кўринур.
Бойчечак болалаб қишни қаритар,
Не борки, бу гулдан кўркам кўринур?

Тунни нурсиз кўрсанг титрайди вужуд,
Ақл чироғида олам кўринур.
Худони хушласанг, унутма, Маҳмуд,
Ақл увоғида одам кўринур.

### ШУКР ШАРБАТИ

Шамолнинг шаклидан ҳикоят қилма,
Қалампир қаҳридан шикоят қилма.
Ақл эгасига барчаси аён,
Раҳмоннинг раҳмидан ривоят қилма.

Қалбингни қатини очиб юрсанг бас,
Меҳрингни нурини сочиб юрсанг бас.
Шукринг шарбатини зам-замдек ичиб,
Шайтони лаъиндан қочиб юрсанг бас.

## РАМАЗОН ҳикматлари

# ОТА – ЖАННАТ ЭШИГИ, ОНА – ЖАННАТ ВАСИЛАСИ

**Оила – муқаддас даргоҳ. Инсон камолотида оиланинг алоҳида ўрни бор. Аввало, оила мустаҳкам, тинч бўлса, жамият барқарор бўлади. Униб-ўсаётган фарзандлар ҳар томонлама баркамол бўлишига имкон яратилади.**



Лекин, афсуски, бугун силаи раҳм, яъни қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарига дарз кетаётгандек, назаримда. Бунга асосий сабаб сифатида ижтимоий тармоқлар айбдор қилинса-да, лекин ҳеч ким инсонийлигини йўқотмаслиги керак. Телефон бор-ку, ота-онамга қўнғироқ қилиб, улардан ҳол-аҳвол сўраб қўйсам бўлди, демаслик керак. Чунки ҳар бир гулнинг ўзига яраша тароватин, ҳиди бўлганидек, ҳар бир фарзанднинг оила бошлиқлари наздида алоҳида ўрни бор. Шундай экан, телефон ёки телеграм орқали ота-онадан кўнгил сўрагандан кўра, уларни тез-тез зиёрат қилиб туриш афзал.

Ота-онага эътиборли бўлиш керак. Уларнинг дуоларини олиб қолиш шарт. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: “Ота жаннатнинг ўрта эшикларидан. Хоҳласанг, уни очиб кириб ол, хоҳласанг, зое қил, яъни юзингга қарши ёпиб ол”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда “Жаннат оналар оёғи остидадир”, (Имом Қузоъий ривояти), дейилган. Ота жаннат дарвозасига, онанинг оёғи остига нисор қилиняптими, демак, уларнинг ўрни, қадри, файзи, баракаси жуда юксак.

Шу билан бирга, қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибатни ҳам мустаҳкамлаш керак. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Албатта, Аллоҳ таоло махлуқотларни яратганда раҳм туриб: “Бу (қариндошлик алоқасини) узишдан паноҳ сўровчининг мақомидир”, деди. Аллоҳ таоло: “Ҳа (шундай). Сени боғлаганни боғлашимга ва сени узганни узишимга рози бўласанми?” деди. Раҳм: “Албатта!” деб жавоб берди. Шунда Аллоҳ таоло: “Ўша нарса сенга бўлсин”, деди”. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар истасангиз: «Эҳтимол, (имондан) юз ўгирсангиз, ер юзида бузғунчилик қилиб, қариндошлик ришталарингизни узарсиз?! Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлаб, ўзларини кар ва кўзларини кўр қилди. Қуръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида қулф борми?» (Муҳаммад сураси, 22–24-оятлари)ни ўқинглар” дедилар» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти).

Боғланиши керак бўлган раҳм бу худди имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтганидек: “Меросга ҳақдор бўлувчи ҳамма қариндошлар, бунда маҳрам ва маҳрам бўлмаган қариндошлар ҳам тенгдир. Амаки ва тоғаларнинг болалари ҳам боғланиши керак бўлган ҳукм остига киради, улар билан алоқани узиш жоиз эмас”.

Силаи раҳмнинг ҳукми нима?

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ айтади: “Умуман олганда, силаи раҳмнинг вожиблиги, уни узиш катта гуноҳ эканида ихтилоф йўқ. Лекин сила – боғланишнинг ҳам ўз даражалари бўлиб, баъзиси баъзисидан кўра улуғроқдир. Унинг энг қуйи даражаси гарчи калом, ҳеч бўлмаса салом билан бўлса ҳам бегоналашиб кетишга йўл қўймаслик. Бу нарсалар имкон ва эҳтиёжга қараб, ўзгаради: баъзилари вожиб бўлса, баъзилари мустаҳаб бўлади. Қариндошликнинг ҳамма кўринишларини эмас, баъзиларини боғлаган кишига ҳам, “қотиъ – узувчи” дейилмайди. Агар имкони бўла туриб, қариндошлик алоқаларида нуқсонга йўл қўйса, ундай одамни “восил – боғловчи” демаслик керак”.

Аслида силаи раҳм ҳар икки тарафдан комил суратда боғланиши лозим. Бирор сабаб билан банд ёки эҳтиёж пайдо бўлиб қолган пайтда иш уларнинг ҳолатига қараб белгиланади. Ҳар ким ўзининг имконидан келиб чиқиб, қариндошликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Силаи раҳм фақат зиёратдан иборат эмас. Балки у иккинчи тарафнинг ҳожатига кўра турлича бўлиши мумкин. Имом Ибн Абу Жамра раҳимаҳуллоҳ айтади: “Силаи раҳмни боғлашнинг кайфияти – кўриниши бир қанча ҳолатда бўлади. Улардан мол сарфлаш, муҳтож бўлганида ёрдам бериш, зиёрат қилиш, ҳақларига дуо қилиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, хушмуомалалик қилиш, зарардан ҳимоялаш кабиларни зикр қилиш мумкин. Силаи раҳмнинг умумий маъноси Аллоҳ таолога қурбат ниятида қариндошларга қодир бўлганича яхшиликлар қилишдан iборатдир”.

Аллоҳ таоло барчамизни ота-онамиз ҳаёт экан, уларнинг хизматларини олиб, ўзимизга жаннатни вожиб қилиб олишни, силаи раҳмни боғлаб, қариндошликни мустаҳкамлайдиган бандаларидан қилсин!

**Жасурбек домла РАУПОВ,**
**Тошкент вилояти**
**бош имом-хатиби**




## Нега шундай деймиз

### Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир

“Ҳар қандай иш ҳам аввалига оғир кўринади. Аммо, сен чўчима, ишга қўрқмасдан дадил киришавер, кейин ўзинг қизиқиб кетасан, ишинг ҳам юришгандан-юришиб кетаверади”, деган маънода қўлланилади.

### Кўза кунда эмас, кунида синади

Мажози: “Ҳа, ҳеч ким кўрмаяпти-ку, билмаяпти-ку, деб ўйлаб, осонгина, мўмайгина бойлик, манфаат орттириш хуфёна ишларни қилиб юрган одам бир кун бўлмаса, бир кун қўлга тушиши, яширинча қилиб юрган ишлари фош этилиши, шарманда бўлиши муқаррар”. Кишини эҳтиёткорликка ундаганда ҳам шу мақолни қўллайдилар. “Ёмон одамлар кўп. Эҳтиёт бўлинг, болам. Кўза кунда синмайди, кунида, дейдилар” (С.Зуннунова, Гулхан).

### Бир одамга – бир уй, бир гўр

Бу мақол ака-ука, қариндош-уруғ ёки бегонаникида қисиниб-қимтиниб, хижолат чекиб яшаётган одам томонидан уй-жой керак экан, бўлмаса хижолатдан, таъна-тазаррудан бош чиқмас экан, деган маънода айтилган.

### Бировнинг айбини сенга айтган – сенинг айбингни ҳам бировга айтади

Буни кўпроқ “Бировни орқасидан ёмонлайдиган одам билан дўстлашма, сирдош бўлма, ундан ҳазар қил”, деган маънода қўллайдилар.

**Ш. ШОМАҚСУДОВ,**
**“Ҳикматнома”**



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas’ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo‘lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-431.
7 968 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili:**
**Toshkent shahri,**
**Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6